

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

(Олий ўқув юрти)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ» ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

4-босқич 1-гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудир, доцент _____ И.Ғ.Мирзаев
«14» январ 2014 йил.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ **Фозилов Жўрабек** _____
(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: **Андижон вилояти Андижон тумани Охунбобоев массивидаги муқобил машина трактор паркани нефть маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш** «26» ноябр 2013 йилдаги кафедра мажлисини №2 баёни билан маъқулланган. «13» декабр 2013 йилдаги №288- Ст рақамли ректорни буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий лойиҳани топшириш муддати 16. 06.2014 йил

3. Битирув малакавий лойиҳани бажаришга доир бошланғич маълумотлар Ишлаб чиқариш амалиёти материаллари, норматив ҳужжатлар, МТПФ ва ЁММ фанларига оид ўқув-илмий адабиётлар

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Кириш 2. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш техник-тавсифномаси 3-6.Асосий қисм (Ҳисоб қисми). 7. Иқтисодий қисм. 8-Конструкторлик қисми 9. Экология бўлими. 10. Мехнат муҳофазаси. 11.Фуқоролар ҳимояси 12 Хулоса 13. Адабиётлар рўйхати.

5. График ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) 1Муқобил машина трактор паркида ёнилғи мойлаш материалларини суткалик сарфи (1 та лист)

2. Нефть хўжалиги ишини ташкил этиш схемаси(1 та лист)

3.Нефть омборини бош плани. (1 та лист)

4. Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш схемаси (1 та лист)

5. Конструкторлик қисми (1 та лист йиғма чизма. 4 та лист деталировка)

6.Битирув малакавий ишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари. (1та лист)

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчи (лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Имзо	Сана
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Катта ўқитучи Халилов М.</i>		

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1.	<i>Кириш</i>	31.01.14	
2	<i>Хўжаликнинг ишлаб чиқариш техник тавсифномаси</i>	24.02.14	
3	<i>Асосий қисм (Ҳисоб қисми)</i>	15.04.14	
4	<i>Конструкторлик қисми</i>	30.04.14	
5	<i>Иқтисодий қисм</i>	10.05.14	
6	<i>Табиат муҳофазаси</i>	24.05.14	
7	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	31.05.14	
8	<i>Хулоса</i>	07.06.14	
9	<i>Адабиётлар рўйхати</i>	10.06.14	
10	<i>График қисми</i>	16.06.14	

Битирув малакавий лойиҳа раҳбари: _____

катта ўқит. Р.С.Бозорбоев
(имзо)

(Фамилияси , исми, шарифи.)

Топшириқни бажаришга олдим: _____

Фозилов Жўрабек

(имзо)

(Фамилияси , исми, шарифи.)

Топшириқ берилган вақти « **14** » январ **2013** йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ» ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ**

“Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш” кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН ”

«Қишлоқ хўжалигини
механизациялаш» факультети
декани, доцент _____ Д.А.Абдуллаев.
“ ” _____ 2014 й.

“Ҳимояга рухсат этаман”

кафедра мудири, доцент
_____ Мирзаев И.Ғ.
“ ” _____ 2014 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АНДИЖОН ТУМАНИ ОХУНБОБОВ
МАССИВИДАГИ МУҚОБИЛ МАШИНА ТРАКТОР ПАРКИНИ НЕФТЬ
МАХСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ишни бажарувчи:

ФОЗИЛОВ ЖЎРАБЕК

Иш раҳбари: доцент

БОЗОРБОЕВ Р.С.

Андижон - 2014 йил

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
КИРИШ	4
1. Андижон тумани Охунбобоев номли Муқобил машина-трактор паркини техник тавсифномаси.....	6
2. Муқобил машина-трактор парки нефт хўжалигининг ишини ташкил қилиш.....	10
2.1. Машина-трактор агрегатларини нефть маҳсулотлари билан заправка қилишни ташкил этиш.....	11
2.2. Нефть маҳсулотларининг исрофи ва бунга қарши кураш.	13
3. Муқобил машина трактор парки учун талаб қилинган ёнилғи мойлаш материалларини режалаштириш.....	15
3.1. Муқобил машина трактор паркида суткалик ёнилғи сарфини ҳисоби.....	18
3.1.1 Муқобил машина трактор паркида суткалик дизел ёнилғи сарфини ҳисоби.....	18
3.1.2 Муқобил машина трактор паркида ишлатилаётган автомобиллар учун ёнилғи (бензин) сарфини режалаштириш.	21
4. Муқобил машина трактор паркида механизациялашган ёнилғиқуйиш ва мой тарқатувчи мосламаларни керакли сонини аниқлаш.....	26
5. Муқобил машина трактор паркида нефть омбори резервуар паркини сифимини ва нефть маҳсулотларини запасини ҳисоби.....	27
5.1. Ёнилғи ташиш автоцистерналарини ҳажминини, ташиш сонини ва ташиш даврийлигини ҳисоби.....	27
5.2 Нефть маҳсулотларини запасини ҳисоби (страховой запас).....	30
6. Муқобил машина трактор паркида нефть маҳсулотларини йўқотилиши ҳисоби.....	3

7.	Конструкторлик қисми	37
8.	Лойихани техник иқтисодий	39
9.	Мехнатни муҳофаза қилиш.....	46
10.	Фуқаролар мудофаси.....	50
11.	Табиатни муҳофаза қилиш.....	52
12.	Хулоса.....	54
13.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55
14.	Илова.....	56

К и р и ш

Президентимиз И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: «...машина-трактор парклари тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади. Рақобат муҳитини вужудга келтириш учун ҳар бир туманда бир неча хўжаликка хизмат кўрсатадиган парклар тузиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, давлатга қарашли бўлмаган мулк шакли асосида ҳам шундай парклар тузиш керак» Юқоридагиларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизматини кўрсатиш соҳасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги 95 сонли қарорига асосан «Ўзағромашсервис» уюшмаси (собиқ «Ўхқишлоқхўжтаъминоттаъмир» Давлат кооператив кўмитаси) тизимида машина-трактор парклари (ДАЖМТП) ташкил этиш масаласини кўтарилган эди. Аммо МТП лар ва хўжаликлар ўртасидаги ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тўлғича ҳал этилмаганлиги сабабли бу сервис корхоналари монопол корхоналарга барча турдаги механизация билан бажариладиган ишларни амалга ошириш имкониятига эга. Бундан ташқари механизация ишлари сурункасига ошириб боришлари натижасида хўжаликлар улар хизматидан яхши фойдалана олмаётирлар.

Мавжуд муқобил машина-трактор парклари фаолиятини чуқур илмий ўрганиш шуни кўрсатадики, улар «Ўзағромаш-сервис» тизимидаги Давлат ҳиссдорлик машина-трактор паркларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга, жумладан:

-агротехника тадбирларни тўлақонли бажариш учун зарур бўлган кўп турдаги қишлоқ хўжалик техникаларга эга;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга масофа жихатдан яқин;

-уларни ташкил этиш учун қўшимча капитал маблағ талаб этилмайди;

-махсус бошқарув аппарати тузишга эҳтиёж йўқ;

-фермер ва деҳқон хўжаликлари манфаатларини ҳисобга олиниши натижасида хизмат баҳоларни нисбатан арзон бўлиши;

-ер майдонлари катта –кичиклигидан қатъий назар бирдек сифатли хизмат кўрсатилиши;

-муқобил машина-тракторпарклари хўжалик негизида ташкил этилганлиги учун унинг фаолияти хўжаликнинг якуний натижасига, яъни ҳосилдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан узвий боғловчи механизмга эга эканлиги;

-техник сервис хизматлари бозорида рақобат муҳитини вужудга келтирилиши ва илғор фан-техника ютуқларини жорий этишга кўпроқ мойиллиги ва бошқалар.

Юқоридагиларга эътибор берилганда техник сервис хизматини ташкил этишда ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришда нодавлат мулк шаклидаги муқобил машина-трактор паркларини ўрни алоҳида. Шу боис улар фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш аҳамиятга эга.

Муқобил машина-трактор паркларини мавжуд ДАЖ МТП лари билан барча масалаларда тенг ҳуқуқлилигини таъмин этиш ва рақобатлаша оладиган даражага етказиш, булар ўртасидаги ким кўпроқ, сифатлироқ ва арзонроқ хизмат кўрсатиши ва улар хизматидан фойдаланувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хоҳиш-истаклари инобатга олиниши, қишлоқ хўжалигида механизация ишлари даражасини ошириш, маҳсулот таннархида унинг улушини камайтириш, ҳосилдорликнинг ошиши ва пировард натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Айни пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, **Андижон вилояти Андижон тумани Охунбобоев массивидаги муқобил машина трактор паркини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш** вазифасини ўз олдимга қўйганман ва шу масалаларни битирув малакавий ишимда ёритишга ҳаракат қилдим.

**1. Андижон вилояти Андижон тумани Охунбобоев массивидаги
Муқобил машина трактор паркини техник
тавсифномаси**

«Охунбобоев» Муқобил машина-трактор парки Андижон вилояти, Андижон туманида 2005 йил ташкил топди. Хўжаликда 14 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқдалар. Фермер хўжаликлари янги ташкил этилганлиги муносабати билан, хўжаликларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини батафсил тахлил этиш имконияти ҳозирча бўлмади, лекин шунга қарамасдан умумий массив ва муқобил машина-трактор парки ҳақидаги маълумотлар куйидаги **(1.1.-1.4.жадвалларда)** келтирилган.

Муқобил машина-трактор парки бўлинмаларидаги мавжуд техник жихозлар ҳақида маълумот шулардан иборатки унда қабул қилиш бўлими, диагностика бўлими, бўлаклаш бўлими, ТХК бўлими, механик ишлов бериш бўлими, темирчилик бўлими, электр-газ пайвандлаш бўлими, синаш-созлаш бўлими, ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш бўлимларидан иборат.

Бўлинмаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳақида инженер 1 нафар, техник-механик 1 нафар, техник-электрик 1 нафар, чилангарлар 1-нафар, бошқа ходимлар ва оддий ишчилар 21-нафарни ташкил этмоқдалар.

**«Охунбобоев» Муқобил машина-трактор парки тасарруфидаги
экин майдонлари ва уларни экин турлари бўйича тақсимооти**

1.1-жадвал

Т/ р	Экин тури	Экилган майдон, га	2013 йил етиштирилган ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдорлик, ц/га
1.	Пахта	640	2048	32,0
2.	Буғдой	320	2016	63,0
	жаъми	960	-	-

**«Охунбобоев» М М Т II тасарруфидаги трактор ва қишлоқ
хўжалик машиналарининг сони**

1.2.-жадвал

№	Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг номи	Трактор маркаси	Охирги 2 йилдаги сони	
			2012	2013
1.	Хайдов тракторлари	Т-4А	3	5
		ВТ-150	2	3
		МХ-135	-	2
2	Чопик тракторлари	МТЗ-80Х	4	6
		ТТЗ-80.11	1	8
3.	Транспорт тракторлари	МТЗ-80	6	6
		ТТЗ-80.10	2	4
4.	Омочлар	П-5-35М	-	-
		ПЯ-3-35	3	8
		ПД-3-35	1	1
5.	Культиватор текислагич	КЗУ-03	1	1
6.	Пахта сяскаси	СЧХ-4А	3	5
		СТХ-4Б	1	4
		Андижон-2	3	6
7.	Культиваторлар	КХУ-4	5	6
		КРХ-3,6	6	8

**«Охунбобоев» Муқобил машина трактор паркида транспорт
воситалари ҳақида маълумот**

1.3.-жадвал

№	Транспорт воситалари ҳақида маълумот	Маркаси	Сони	Бажарилган иш ёки босиб ўтган йўли ткм,км	Бензин сарфи м³
1	Юк автобомиллари	ГАЗ-53Б	3	94000	23,5
		ГАЗ-5205	2	70000	16
2.	Енгил автобомиль	ГАЗ-24	1	35000	5,25
		Дамас	1	45000	4,5
	жаъми				50

**«Охунбобоев» Муқобил машина трактор паркида нефт
хўжалигининг жихозлари ва воситалари**

1.4.-жадвал

№	Қуйиш жихозлари номи	Маркаси	Хажми (м³)	Сони
1.	Цистерналар		25	2
			5	5
			9	1
			3	2
2.	Ёнилғи тарқатиш автоцистерналари	АТЗ	22	1
3.	Тортиш учун автоцистерна		2,5	1
4.	Ёнилғи қуйиш колонкаси	ТК-40	-	2

2.Муқобил машина-трактор парки нефть хўжалигининг ишини ташкил қилиш.

Машина-трактор паркининг эксплуатацион кўрсаткичлари кўпчилик ҳолларда нефть хўжалигининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Нефть хўжалигининг вазифаси нефть маҳсулотларини ўз вақтида келтириш, эҳтиётлаб сақлаш ва сарфлаш, тўғри заправка қилиш ва уларни ҳисобга олишдан иборат. Таҷриба шуни кўрсатадики, машина-трактор паркининг узлуксиз ишлаши учун зарур бўлган нефть маҳсулотларини битта нефть омборида сақланган маъкул экан. Типовой лойиҳалар асосида қуриладиган марказий нефть омбори муқобил машина-трактор паркларининг нефть хўжалигининг асоси ҳисобланади.

Нефть маҳсулотлари омборларини махсус ажратилган территорияга, машина-трактор паркларининг бош қурилиш плани асосида қуриш тавсия этилади. Нефть омбори учун майдон текис ёки бино ва иншоотлар, экинзорлар, ўрмонлардан қарама-қарши томонга қиялаб борадиган жойдан танланади. Шундай қилинганда мабодо авария рўй берганда нефть маҳсулотлари улар томонга оқмайди. Жала ёққанда ва аврия бўлганда майдондан оқиб чиққан сувлар яқин сув ҳавзалари ҳамда канал ва дарёларга тушмайдиган бўлишини ҳам назарда тутиш зарур.

Стационар заправка қилиш пунктлари (марказий нефть омборидаги пунктдан ташқари) трактор бригадалари (бўлимлари)да ташкил қилинади. Ўзининг доимий нефть хўжалиги бўлмаган айрим хўжаликларда автомобиль ва тракторларни заправка қилиш пункти марказий устахона яқинига қурилади. Яхши йўлларга эга бўлган хўжаликларда стационар заправка қилиш агрегатлари ўрнига кўчма заправка қилиш агрегатларидан фойдаланилади.

Муқобил машина-трактор паркларининг нефть хўжалиги нефть маҳсулотларини ташиш, қабул қилиш, сақлаш ва заправка қилиш

учун иншоотлар комплекси ва ускуналар билан жиҳозланган бўлимдан иборат бўлиши керак. Нефть хўжалиги зиммасига қуйидаги масалалар юкланади: нефть маҳсулотларини келтириш планларини тузиш ва уларни реализация қилиш; базалар, таъминлаш ташкилотларидан ҳар хил нефть маҳсулотлари олиш; нефть маҳсулотларини хўжалик омбори ва машиналар заправка қилинадиган жойларга ташиш; ёнилғи ва мойларни хўжалик эҳтиёжи учун етарли миқдорда сақлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш, нефть маҳсулотларини бериш ва ҳисобга олиш; ишлатилган мойларни йиғиш ва уларни регенерация қилишга топшириш; ускуна ва жиҳозларни ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш; ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофазалаш талаблари ҳамда нормаларига риоя қилиш; нефть маҳсулотлари миқдори ва сифатининг йўқолишига қарши тадбирларни кўриш.

Нефть хўжалигининг рационал таркиби машина-трактор паркидан фойдаланиш конкрет шароитлари йўлларнинг ҳолати, машиналар ишлайдиган жойнинг техник хизмат кўрсатиш пунктидан узоқлиги ва хўжаликнинг бошқа хусусиятларига қараб белгиланади. Нефть хўжалиги ишини ташкил этиш схемасини танлашда нефть маҳсулотларини келтириш, сақлаш ва заправка қилишда машина-трактор паркига техник хизмат кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш каби масалаларни эътиборга олган ҳолда ташкил этиш керак.

2.1. Машина-трактор агрегатларини нефть маҳсулотлари билан заправка қилишни ташкил этиш.

Тракторлар ва ўзиюар машиналарни ёнилғи ҳамда мойлар билан заправка қилиш машиналарга техник хизмат кўрсатиш системасининг энг муҳим элементларидан биридир. Заправка қилиш рационал ташкил қилинганда тракторлар ва ўзиюар машиналарнинг бекор тўхташи ҳамда жойдан жойга кўчиш йўли қискаради, нефть маҳсулотлари ифлосланмайди, техник хизмат кўрсатиш муддатлари

кечиктирилмайди чунки ёнилғи лимити сарфлангандан кейин навбатдаги техник хизмат кўрсатилмагунча машина нефть маҳсулотлари билан заправка қилинмайди.

Машиналар нефть маҳсулотлари билан тарқатиш жўмраклари ўрнатилган тарқатиш енглари ёрдамида ёпиқ усулда заправка қилиниши керак. Заправка қилиш ускуналари бу ишга мумкин қадар кам вақт сарфлаб, нефть маҳсулотларини исроф ва ифлос қилмасдан машиналарнинг заправка қилинишини таъминлаши керак. Заправка қилишда турли нефть маҳсулотларининг аралашшига йўл қўймаслик учун нефть маҳсулотининг ҳар қайси турини алоҳида ускуна билан қуйиш зарур.

Нефть маҳсулотларини нобуд қилмаслик учун қуйидагиларни бажариш зарур:

нефть омборидаги заправка қилиш ускуналарини доимо тоза ҳамда техник жиҳатдан тўғри сақлаш;

ёнилғини трубопроводлар бирлашмасидан, жўмраklar пробкаси ва бошқа қурилмалардан оқишига йўл қўймаслик;

нефть маҳсулотларининг тозалигини таъминлаш ва машиналарни фақат ёпиқ усулда заправка қилиш керак;

трактор ва ўзиюрар машиналарнинг бакини ёнилғи билан заправка қилишда уларнинг 90-95% ҳажмини тўлдириш керак, ёнилғини бакдан тошиб оқишига йўл қўймаслик учун 03-1567 (АК-30) автоматик тарқатиш кранидан фойдаланилади;

нефть сақлаш резервуарларини фақат оқ рангларга бўйаш, нефть маҳсулотларини узоқ муддат сақлашда сиғимнинг камида 90% тўлдирилиши;

бочкалар, бидонларга қуйилган нефть маҳсулотларини бостирма остида ёки хонада сақлаш;

нефть омборларининг ускуналари ва заправка қилиш инвентарларига мунтазам равишда техник хизмат кўрсатиш;

заправка қилишни маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолларда рационал ташкил қилиш;

машина трактор агрегатларини тўғри тузиш ва агрегатларнинг рационал ҳаракат усулини қўллаш;

агрегатларни юқори унумли ва тежамли ишлаши учун шароитлар яратиш;

тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини доимо техник талабларга жавоб берадиган ҳолда сақлаш керак.

2.2.Нефть маҳсулотларининг исрофи ва бунга қарши кураш.

Нефть маҳсулотлари исроф бўлишининг сабаблари жуда кўп. ГОСНИТИ маълумотларига кўра, ташиш вақтида 1,5%, сақлаш вақтида 0,5%, заправка қилишда 2,0 ва машиналарни ишлатиш вақтида 7,5% нефть маҳсулотлари исроф бўлади. Нефть маҳсулотлари сарфини қатъий назорат қилиш, уларни ҳисоблаб бориш, қабул қилиш, сақлаш ва тақсимлаш тўғри йўлга қўйилса, исрофлар анча камаяди.

Ташиладиган ёнилғи температурасини пасайтириш ва унинг буғланишини камайтириш учун оқ ёки кумуш рангга бўялган нуқсонсиз автоцистерналардан фойдаланилса, ташиш вақтида нефть маҳсулотлари исроф бўлмайди.

Буғланиш тезлигини пасайтириш учун ер устига ўрнатилган резервуарларга бензинни улар тўлиқ ҳажмининг 0,7-0,75, дизель ёқилғисини эса 0,9 қисмигача тўлдириш тавсия этилади. Созланмаган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш ҳам нефть маҳсулотларининг исроф бўлишига анча таъсир қилади. Масалан, двигательнинг ҳатто битта форсункаси бузук бўлса, ёқилғининг солиштира сарфи 20-30% ортиши мумкин; ГАЗ-53 автомобили двигателининг битта свечаси бузук бўлса, ишлаганда бензин сарфи 20-25% кўпаяди.

Нефтни тоза ҳолатда сақлаб қолишга қаратилган тадбирларга қуйидагилар киради: тиндириш ёки махсус филтрлардан ўтказиш йўли билан ёнилғини механик аралашмалардан тозалаш, ёнилғи бакидаги, ёнилғини дағал ва майин тозалаш филтрларидаги қуйқани вақт-вақтида тўкиб туриш.

Ёнилғи ва мойлаш материалларини сарфини ҳисоблаб боришни яхши йўлга қўйиш, шунингдек ёнилғи мойлаш материалларини тежасани учун мукофотлаш ҳам нефть маҳсулотларини тежашда маълум рол ўйнади.

3. Муқобил машина трактор парки учун талаб қилинган ёнилғи мойлаш материалларини режалаштириш

Муқобил машина трактор паркида ишлаётган тракторларни эталон тракторларга айлантирамиз.

1. Муқобил машина трактор паркида мавжуд хайдов тракторлари сони:

Т-4А	- 5та
ВТ-150	- 3 та
МХ-135	- 2 та

Бу тракторларни қуйидаги формула ёрдамида эталон тракторларга айлантирамиз.

$$N = n K \quad (1)$$

Бу ерда: n – тракторлар сони ;

K – эталон тракторларга айлантириш коэффициенти.

Юқоридаги тракторларни эталон тракторларга ўтқазамиз.

Т-4А тракторлари	$N = n K = 5 \cdot 1,45 = 7,25$ шт.эт.тр.
ВТ-150 трактори	$N = n K = 3 \cdot 1,45 = 4,35$ шт.эт.тр.
МХ- 135 трактори	$N = n K = 2 \cdot 1,45 = 2,9$ шт.эт.тр.

2. Муқобил машина трактор паркида мавжуд чопиқ тракторлар сони:

МТЗ - 80Х - 6 та;

ТТЗ - 80.11 - 8 та;

Юқоридаги (1) формула ёрдамида эталон тракторларга айлантирамиз:

МТЗ-80Х тракторлари $N = n K = 6 \cdot 0,6 = 3,6$ шт эт.тр.

ТТЗ - 80.11 тракторлари $N = n K = 8 \cdot 0,6 = 4,8$ шт.эт.тр.

3. Муқобил машина трактор паркида мавжуд транспорт тракторлар сони:

МТЗ-80 - 6 та;

ТТЗ-80.10 - 4 та.

(1) формула ёрдамида эталон тракторларга айлантирамиз

МТЗ-80 тракторлари $N = n K = 6 \cdot 0,6 = 3,6$ шт эт.тр.

ТТЗ-80.10 тракторлари $N = n K = 4 \cdot 0,6 = 2,4$ шт эт.тр.

Ҳисоблаш натижаларини жамлаб чиқамиз

$N_{\text{хайдов}} = 14,5$ шт эт.тр.

$N_{\text{чопиқ}} = 8,4$ шт. эт.тр.

$N_{\text{транс.}} = 6,0$ шт эт.тр.

Республикаимиз пахтачилик зоналарида тракторларнинг йиллик юкланиши қуйидагича (курс ишини бажариш учун услубий қўрсатма)

А) Хайдов тракторлар учун - 2000 соат;

Б) Чопиқ тракторлари учун - 1600 соат;

В) Транспорт тракторлари учун - 1700 соат;

Эталон тракторларнинг йиллик юкланишини аниқлаймиз.

Хайдов тракторлари учун

$$\Omega_{\text{хай}} = N_{\text{хай}} T_{\text{хай}} = 14,5 \cdot 2000 = 29000 \text{ шт эт.тр. соат.}$$

Чопиқ тракторлари учун

$$\Omega_{\text{чоп}} = N_{\text{чоп}} T_{\text{чоп}} = 8,4 \cdot 1600 = 13440 \text{ шт эт.тр. соат.}$$

Транспорт тракторлари учун

$$\Omega_{\text{транс}} = N_{\text{транс}} T_{\text{транс}} = 6,0 \cdot 1700 = 10200 \text{ шт эт.тр. соат.}$$

Шартли эталон тракторларни йиллик юкланишини аниқлаймиз

$$\Omega_{\text{йил}} = \Omega_{\text{хай}} + \Omega_{\text{чоп}} + \Omega_{\text{транс}} = 29000 + 13440 + 10200 = 52640 \text{ шт эт.тр. соат.}$$

ДТ – 75М тракторининг соатли ёнилғи сарфи 16,6 кг/соат ташкил этади. Бу кўрсаткични умумий шт.эт.тр.соатга кўпайтириб йиллик ёнилғи сарфини аниқлаймиз.

$$G_{\text{йил}} = G_{\text{соат}} \Omega_{\text{йил}} = 16,6 \cdot 52640 = 873824 \text{ кг} = 874 \text{ т.}$$

Ҳисобланган ёнилғи сарфи хўжаликдаги 29 шартли эталон тракторларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги фоизларни ташкил этади.

1.Хайдов тракторлари –50 %

2.Чопиқ тракторлари – 29 %

3.Транспорт тракторлари –21 %

Ҳисоб китоб бўйича юқоридаги фоизларга асосланган ҳолда ёнилғиларни тракторлар бўйича қуйидагича тақсимланади.

1.Хайдов тракторлари – 437 т.

2.Чопиқ тракторлари – 254 т.

3.Транспорт тракторлари –183 т.

Жаъми - 874 т

3.1.Муқобил машина трактор паркида суткалик ёнилғи сарфини ҳисоби.

3.1.1.Муқобил машина трактор паркида суткалик дизел ёнилғи сарфини ҳисоби.

1.Муқобил машина трактор паркида суткалик дизель ёнилғи сарфи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Omega_{\text{сут}} = \frac{\Omega_M}{D_{\text{и}}},$$

бу ерда; Ω_M – мос равишда ойга тўғри келадиган ёнилғи-мойлаш материалларини сарфи;

$D_{\text{и}}$ – иш ойидаги ишчи кунлар сони.

Кунлик ёнилғини сарфини аниқлашда ишчи кунлар аниқланади.

Масалан январь ойида $D_{\text{и}} = 31$ кун 1-жадвалдан ойлик ёнилғи сарфи олинади ва ойлик ёнилғи сарфини ишчи кунлар сонига бўлинса суткалик ёнилғи сарфи келиб чиқади (3.2.-жадвал).

Муқобил машина трактор паркиданефть маҳсулотларини ишлатиш режаси (Дизель ёнилғиси)

3.1.- жадвал

Ойлар	Тракторларни ёнилғи сарфлари (т)			Умумий ёнилғи сарфи (т)
	Хайдов	Чопиқ	Транспорт	
Январь	10,48(2,4 %)	5,08(2,0 %)	13,72(7,5 %)	29,28
Февраль	15,29(3,5 %)	7,62(3,0 %)	14,1(7,7 %)	37,01
Март	39,33(9,0 %)	17,78(7,0 %)	14,64(8,0 %)	71,75
Апрель	55,06(12,6 %)	27,94(11,0 %)	15,37(8,4 %)	98,37
Май	39,33(9,0 %)	25,4(10,0%)	14,64(8,0 %)	79,37
Июнь	37,14(8,5%)	25,4(10,0 %)	14,64(8,0 %)	77,18
Июль	26,22(6,0%)	25,4(10,0 %)	14,64(8,0 %)	66,26
Август	30,59(7,0%)	20,32(8,0 %)	15(8,2%)	65,91
Сентябрь	26,22(6,0%)	22,86(9,0 %)	17,57(9,6%)	66,65
Октябрь	30,59(7,0 %)	27,94(11,0%)	17,57(9,6 %)	76,1
Ноябрь	61,18(14,0 %)	27,94(11,0 %)	16,47(9,0 %)	105,59
Декабрь	65,57(15,0 %)	20,32(8, 0 %)	14,64(8,0 %)	100,53
Жаъми	437	254	183	874

Дизель ёнилғисининг суткалик сарфи режаси

3.2. - жадвал

Ойлар	Ойлик дизель ёнилғиси сарфи(т)	Ишчи кунлар сони	Суткалик ёнилғи сарфи(т)
Январь	29,28	31	0,94
Февраль	37,01	28	1,32
Март	71,75	31	2,31
Апрель	98,37	30	3,28
Май	79,37	31	2,56
Июнь	77,18	30	2,57
Июль	66,26	31	2,13
Августъ	65,91	31	2,13
Сентябрь	66,65	30	2,22
Октябрь	76,1	31	2,45
Ноябрь	105,59	30	3,52
Декабрь	100,53	31	3,24
	874		

3.1.2. Муқобил машина трактор паркида ишлатилаётган автомобиллар учун ёнилғи (бензин) сарфини режалаштириш.

Муқобил машина трактор паркида ишлатилаётган автомобиллар ҳақида маълумот *(Муқобил машина трактор парки маълумотлари асосида амалга оширилади)*

Йил давомида автомобилларнинг ёнилғи сарфини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Q_{\text{й.бен}} = \frac{n_a S_{\text{ай}} q_{m100}}{10^5}; \text{ м}^3 \quad (3)$$

бу ерда: n_a – автомобиллар сони; дона.

$S_{\text{ай}}$ – автомобилларнинг йиллик босиб ўтган йўли, км;

Q_{m100} – мазкур автомобиль учун 100 км масофани босиб ўтиш учун сарфланган ёнилғи сарфи (бензин), л/км.

(3) ёрдамида ҳисобланган бензин сарфини ҳўжаликдаги автомобиллар бўйича ҳисобини жадвал шаклида келтирамиз. Жадвалда келтирилган м^3 бензинни зичликка кўпайтирсак $\gamma = 0,74$ кг/ м^3 қанча тонна бензин кераклигини аниқлаймиз.

$$Q_{\text{йбен}} = Q_{\text{йбен}} \gamma = 50 \cdot 0,74 = 37 \text{ т}$$

**«Бакиров» Муқобил машина трактор парқида транспорт
воситалари ҳақида маълумот**

3.3. - жадвал

№	Транспорт воситалари ҳақида маълумот	Маркаси	Сони	Бажарилган иш ёки босиб ўтган йўли ткм,км	Бензин сарфи м³
1	Юк автобомиллари	ГАЗ-53Б	3	94000	23,5
		ГАЗ-5205	2	70000	16
2.	Енгил автобомиль	ГАЗ-24	1	35000	5,25
		Дамас	1	45000	4,5
	жаъми				50

**Муқобил машина трактор паркида бензиннинг
суткалик сарфи режаси ва ойлар бўйича тақсимланиши**

3.4. - жадвал

Ойлар	Йиллик сарф %	Ойлик бензин сарфи (т)	Ишчи кунлар сони	Суткалик бензин сарфи (т)
Январь	7,6	2,81	31	0,09
Февраль	7,6	2,81	28	0,1
Март	8,0	2,96	31	0,095
Апрель	9,4	3,48	30	0,116
Май	8,0	2,96	31	0,095
Июнь	7,6	2,81	30	0,093
Июль	9,8	3,63	31	0,117
Август	7,8	2,88	31	0,092
Сентябрь	7,8	2,88	30	0,096
Октябрь	9,6	3,55	31	0,114
Ноябрь	8,5	3,15	30	0,105
Декабрь	8,3	3,08	31	0,099
Жаъми	100	37		

Муқобил машина трактор паркида бошқа мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжи режаси

3.5. - жадвал

Ойлар	Бензин сарфи (т)	Дизель ёнилғиси Сарфи (т)	Автомобиллар учун						Тракторлар учун					
			%	Мотор мойи (т)	%	Трансм. Мойи (т)	%	Солидол (т)	%	Мотор мойи (т)	%	Трансм. Мойи (т)	%	Солидол (т)
Январь	2,81	29,28	5	0,14	2	0,056	0,8	0,022	5	1,46	2	0,58	0,8	0,23
Февраль	2,81	37,01	5	0,14	2	0,056	0,8	0,022	5	1,85	2	0,74	0,8	0,29
Март	2,96	71,75	5	0,148	2	0,059	0,8	0,023	5	3,58	2	1,43	0,8	0,57
Апрель	3,48	98,37	5	0,174	2	0,069	0,8	0,028	5	4,92	2	1,96	0,8	0,78
Май	2,96	79,37	5	0,148	2	0,059	0,8	0,023	5	3,96	2	1,58	0,8	0,63
Июнь	2,81	77,18	5	0,14	2	0,056	0,8	0,022	5	3,85	2	1,54	0,8	0,62
Июль	3,63	66,26	5	0,18	2	0,072	0,8	0,029	5	3,31	2	1,33	0,8	0,53
Август	2,88	65,91	5	0,144	2	0,057	0,8	0,023	5	3,29	2	1,32	0,8	0,52
Сентябрь	2,88	66,65	5	0,144	2	0,057	0,8	0,023	5	3,33	2	1,33	0,8	0,53
Октябрь	3,55	76,1	5	0,177	2	0,071	0,8	0,028	5	3,8	2	1,52	0,8	0,6
Ноябрь	3,15	105,59	5	0,157	2	0,063	0,8	0,025	5	5,28	2	2,11	0,8	0,84
Декабрь	3,08	100,53	5	0,154	2	0,062	0,8	0,024	5	5,02	2	2,01	0,8	0,8
Жаъми	37	874		1,85		0,8		0,3		44		18		7

**Муқобил машина трактор паркида мойлаш
материалларининг суткалик сарфи**

3.6. - жадвал

Ойлар	Ишчи кунлар сони	Мотор мойи Сарфи (т)		Трансмиссия мойи сарфи (т)		Солидол сарфи (т)	
		ойлик	суткалик	Ойлик	суткалик	ойлик	суткалик
Январь	31	1,6	0,051	0,63	0,02	0,25	0,008
Февраль	28	1,99	0,071	0,796	0,028	0,31	0,011
Март	31	3,73	0,12	1,489	0,048	0,59	0,019
Апрель	30	5,24	0,17	2,02	0,067	0,808	0,026
Май	31	4,1	0,13	1,63	0,052	0,65	0,021
Июнь	30	3,99	0,13	1,59	0,053	0,64	0,021
Июль	31	3,49	0,11	1,4	0,045	0,559	0,018
Август	31	3,43	0,11	1,37	0,044	0,543	0,017
Сентябрь	30	3,47	0,12	1,59	0,053	0,553	0,018
Октябрь	31	3,97	0,13	2,18	0,07	0,628	0,02
Ноябрь	30	5,44	0,18	2,17	0,072	0,865	0,028
Декабрь	31	5,17	0,16	2,07	0,066	0,824	0,026

4.Муқобил машина трактор паркида механизациялашган ёнилғи қуйиш ва мой тарқатувчи мосламаларни керакли сонини аниқлаш

Механизациялашган ёнилғи ва мой тарқатиш мосламаларининг керакли сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$П_{рез} = \frac{Q_{сут}}{V_{рез} \Delta \cdot П_p}$$

бу ерда: $Q_{сут}$ – ёнилғининг суткалик сарфи (т);

$V_{рез}$ – ёнилғи -мой тарқатиш резервуарини хажми;

$\Delta = 0,9 \dots 0,95$ – хажмдан фойдаланиш коэффициентини;

$П_p$ —смена давомида ёнилғи ва мой тарқатиш воситасини қатнаш рейси.

Дизель ёнилғисини ташиш учун ёнилғи ташиш воситасини сифимини аниқлаймиз:

$$П_{рез} = \frac{3,52}{2,2 \cdot 0,90 \cdot 1} = 1,77 \text{ дона}$$

Дизель ёнилғисини ташиш воситасини 2 дона деб қабул қиламиз.

5. Муқобил машина трактор паркида нефть омбори резервуар паркини сиғимини ва нефть маҳсулотларини запасини ҳисоби

5.1. Ёнилғи ташиш автоцистерналарини хажминини, ташиш сонини ва ташиш даврийлигини ҳисоби

Автоцистернаини оптимал сиғимини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$V_{a\text{цонт}} = \sqrt{\frac{Q_{\text{й}} \cdot L_{\text{Т}}}{L_{\text{сак}}}} \quad (1)$$

бу ерда: $Q_{\text{й}}$ – ўтган йиллардаги ММТПда сарф этилган нефть
маҳсулотларининг миқдори, т;

$L_{\text{Т}}$ – нефть маҳсулотларини ММТПга ташиб келтириш
харажатлари, сўм;

$L_{\text{сак}}$ —ММТП нефть омборида сақланаётган запас нефть
маҳсулотларини таннари, сўм/т.йил.

Нефть маҳсулотларини ММТПга ташиб келтириш
харажатларини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$L_{\text{Т}} = 0,2 + 0,1R_{\text{қ}} ; \quad (2)$$

Бу ерда: $R_{\text{қ}}$ — марказий нефть базасидан ММТП нефть
омборигача бўлган масофа, км.

Нефть маҳсулотларини ММТП нефть омборида сақланаётган
запас нефть маҳсулотларини таннари :

$$L_{\text{сак}} = \frac{d_i}{\rho \cdot f} + \frac{K_H \cdot Ц_H}{2} \quad (3)$$

бу ерда: d_i – резервуарни эксплуатация қилиш учун сарфланаётган харажатларни ҳисобга олиш эмпирик коэффиценти, сўм/м³;

ρ – нефть маҳсулотларининг зичлиги, т/м³;

f – Резервуар сиғимидан фойдаланиш коэффиценти;

K_H – капитал харажатларни бир йиллик самарадорлиги;

$Ц_H$ – нефть маҳсулотларини нархи, сўм/т.

Автоцистерналар ташиш сонини аниқлаймиз.

$$N_{Ц.онт} = \frac{Q_c}{V_{ац.онт}} \quad (4)$$

бу ерда: Q_c – ММТПдаги ойлик нефть маҳсулотларининг сарфи, т.

ММТПдаги нефть маҳсулотларини ташиш даврийлигини аниқлаймиз.

$$L_{ц.онт} = \frac{T}{N_{ц.онт}} \quad (5)$$

бу ерда: T – йил кунлари сони, $T = 365$ кун.

Юқоридаги (1) формула ёрдамида автоцистернани оптимал сиғимини аниқлаймиз.

Дизель ёнилғилари учун:

$$V_{\text{ацонт}} = \sqrt{\frac{874 (0,2 + 0,1 \cdot 11)}{7,76}} = \sqrt{146,4} = 12 \text{ м}$$

Юқорида кўрсатилган (4) формулага асосан нефть махсулотларини автоцистерналарда ташиш сонини аниқлаймиз.

$$N_{\text{ц.онт}} = \frac{874}{12} = 73 \text{ марта бир йил давомида.}$$

(5) формулага асосан нефть махсулотларини ташиш даврийлигини аниқлаймиз.

$$L_{\text{ц.онт}} = \frac{365}{73} = 5 \text{ кун}$$

Юқорида бажарилган амалларини автомобиль бензинлари учун бажарамиз.

$$V_{\text{ацонт}} = \sqrt{\frac{37 \cdot (0,2 + 0,1 \cdot 11)}{10}} = \sqrt{4,8} = 2,2 \text{ м}$$

$$N_{\text{ц.онт}} = \frac{37}{2,2} = 17 \text{ марта бир йилда}$$

$$L_{\text{ц.онт}} = \frac{365}{17} = 22 \text{ кун}$$

5.2. Нефть махсулотларини запасини ҳисоби (страховой запас)

Нефть омборлари запасини аниқлаш, бу чегарасини аниқ ҳисоблашга боғлиқ. Машина трактор паркини нефть махсулотлари билан таъминлашда страховой запас катта аҳамиятга эга. Чунки айрим ҳолларда ёнилғи-мойлаш материалларининг ишлатилиши суткалик нормадан ортиб кетади ва нефть махсулотлари буюртма қилинган кунга хўжалик омборига айрим сабабларга кўра етиб келмайди.

Бугунги кунда иккита нефть махсулотлари билан таъминлаш усуллари мавжуд:

1. доимий (ўзгарувчан эмас) хажмда ёнилғи етказиш;

2. ўзгарувчан хажмда ёнилғи етказиш.

Бизнинг хўжалигимиз учун иккинчи усул мос келади. Бунда нефть махсулотининг запас ҳисоби қуйидагича бўлади.

$$S = (\lambda_G - 1)G(t_q + t_u)^\gamma \quad (6)$$

бу ерда: λ_G – суткалик ёнилғи сарфини нотекислик даражаси;

G – ўртача суткалик нефть махсулотларининг сарфи;

t_u – нефть махсулотларини запасини назорат қилиш

даврийлиги, сут;

γ – эмпирик даража кўрсаткичи.

Дизель ёнилғисини запас ҳисобини (5) формула бўйича ҳисоблаймиз.

$$S = (\lambda_G - 1)G(t_q + t_u)^\gamma = (4 - 1)\frac{874}{365}(2 + 7)^1 = 65 \text{ m}$$

Бензин учун запас ҳисобини (5) формула ёрдамида ҳисоблаймиз.

$$S = (\lambda_G - 1)G(t_q + t_u)^\gamma = (4 - 1)\frac{37}{365}(2 + 9) = 4 \text{ m}$$

Нефть махсулотларининг максимал запасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$V_{mak} = S + G(t_q + t_u) \quad (7)$$

Дизель ёнилғиси учун

$$V_{mak} = S + G(t_q + t_u) = 65 + 2,39(2 + 3,8) = 79 \text{ m}$$

автомобиль бензинлари учун

$$V_{mak} = S + G(t_q + t_u) = 4 + 0,1(2 + 8,8) = 5 m$$

Резервуар паркини сифимини аниқлаймиз.

Дизель ёнилғиси учун.

$$V_{dm} = \frac{79}{0,82 \cdot 0,95} = 93 m^3$$

Автомобиль бензинлари учун

$$V_6 = \frac{5}{0,72 \cdot 0,9} = 8 m^3$$

Резервуар паркини умумий хажми

$$V = V_{dt} + V_6 = 93 + 8 = 101 m^3 \quad (8)$$

(8) формулага асосланиб нефть омборини типовой проектини танлаб оламиз. Биз танлаган проект $V = 150 m^3$ ни ташкил этади.

6.Муқобил машина трактор паркида нефть махсулотларини йўқотилиши хисоби

Муқобил машина трактор паркида йўқотилаётган нефть махсулотларини асосан уч турга бўлса бўлади: миқдор, сифат ва миқдор-сифат йўқотишлари. Миқдор йўқотишларига резервуарлардаги носозликликлар (оқиб кетиш), трубопроводлар, шланглар, арматуралар ва кутилмаган авариялар натижасида содир бўладиган йўқотишлар киради. Сифат йўқотишлари нефть махсулотларини ифлосланиши, тўғри келган ифлосланган идишлардан фойдаланиш каби холларда амалга ошади. Миқдор-сифат йўқотишлари нефть махсулотларини буғланиши киради, бунда ҳам миқдор ҳам сифат жихатдан йўқотишлар бўлади. Бу йўқотишлар нефть омборини ундаги идишлар ҳолати, ташиш ва тарқатишнинг механизация даражаларига, ишини ёмон ташкил этилиши каби ўнлаб факторларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шунга ўхшаш кўпдан кўп факторларни эътиборга олган ҳолда хўжаликда содир бўлаётган

нефть махсулотлари йўқотишларини хисобини лойихамда келтиришни олдимга мақсад қилиб қўйдим ва бу хисоб китоблар қуйидагилардан иборат бўлади.

ММТП да йил давомида ишлатиладиган нефть махсулотлари қуйидагилардан иборат.

Автомобиллар учун:

1. Автомобиль бензини	37 т.
2. Мотор мойи	1,85 т.
3. Трансмиссион мойлар	0,8 т.
4. Солидол	0,3 т.

Тракторлар учун

1. Дизель ёнилғилари	874 т.
2. Мотор мойи	44 т.
3. Трансмиссион мойлар	18 т.
4. Солидол	7 т.

Жаъми сарфланадиган нефть махсулотлари

1. Дизель ёнилғилари	874 т.
2. Автомобиль бензини	37,0 т.
3. Мотор мойи	45,85 т.
4. Трансмиссион мойлар	18,8 т.
5. Солидол	7,3 т.

1. Агар резервуарлар 70...80% тўлдирилган бўлса, 1,6...2,6% гача йўқотиш бўлади.

1,6% - дизель ёнилғиси учун йўқотишлар.

2,6% автомобиль бензинлари учун йўқотишлар.

$$X_6 = 37 \cdot 0,026 = 0,96 \text{ т.}$$

$$X_{дѐ} = 874 \cdot 0,016 = 14 \text{ т.}$$

2. Трактор ва автомобилларни заправка қилиш вақтидаги йўқотишлар деярли сезилмайди.

3. Резервуарларнинг қопқоқлари ва нафас олиш клапанлари носоз вақтда йўқотишлар қуйидагича:

Дизель ёнилғиси $1,4 \text{ кг/м}^3$

Автомобиль бензини учун $0,5\%$

$$X_6 = 37 \cdot 0,005 = 0,18 \text{ т.}$$

$$X_{дѐ} = \frac{874}{820} \cdot 1,4 = 1,49 \text{ т}$$

4. Қўл меҳнатини ишлатиши натижасида мотор мойларини йўқотилиши $7,2\%$ ни ишлатилган мойга нисбатан ташкил этади, трансмиссион мой $12,2\%$, пластик мойлар эса $16,4\%$ ни ташкил этади.

$$X_{мм} = 45,85 \cdot 0,072 = 3,3 \text{ т.}$$

$$X_{тран.м} = 18,8 \cdot 0,12 = 2,25 \text{ т.}$$

$$X_{сол} = 7,3 \cdot 0,164 = 1,19 \text{ т.}$$

Диплом лойихамда нефть омборини танлаб олиш техник носозликларни бартараф этиш, механизация воситаларидан фойдаланиш каби ижобий ишлар натижасида қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди.

1. Резервуар бензин учун 90% , дизель ёнилғиси учун 95% тўлдирилганда йўқотишлар $0,6 \dots 1,6\%$ ташкил этди.

$$X_6 = 37 \cdot 0,016 = 0,59 \text{ т.}$$

$$X_{дѐ} = 874 \cdot 0,006 = 5,24 \text{ т.}$$

2. Резервуарларни қопқоқлари ва нафас олиш клапанлари соз холда йўқотишлар бўлмайди.

3. Механизациялашган заправка воситалари қўлланганда мотор мойи йўқотишлари $0,061\%$ ни ташкил этади.

$$X_{\text{мм}} = 45,85 \cdot 0,0061 = 0,28 \text{ т.}$$

Трансмиссион мойларни йўқотилиши 3,8%,

Пластик мойларни йўқотилиши 2,8%.

$$X_{\text{тран.м.}} = 18,8 \cdot 0,038 = 0,7 \text{ т.}$$

$$X_{\text{сол}} = 7,3 \cdot 0,028 = 0,2 \text{ т.}$$

**Муқобил машина трактор паркида ёнилғи-мойлаш
материалларини йўқотилиш нархи.**

1. Дизель ёнилғиси $C_1 = (14 + 1,49) \cdot 3570000 = 55299300 \text{ сўм.}$
 2. Бензин $C_1 = (0,96 + 0,18) \cdot 2780000 = 3169200 \text{ сўм.}$
 3. Мотор мойи $C_1 = 3,3 \cdot 1700000 = 5610000 \text{ сўм.}$
 4. Трансмиссион мой $C_1 = 2,25 \cdot 1700000 = 3825000 \text{ сўм.}$
 5. Пластик мой $C_1 = 1,19 \cdot 1700000 = 2023000 \text{ сўм.}$
- Жаъми $C_1 = 69926500 \text{ сўм}$**

Муқобил машина трактор паркида (лойиха бўйича) ёнилғи-мойлаш материаллари йўқотилиши нархи.

1. Дизель ёнилғиси $C_2 = 5,24 \cdot 3570000 = 18706800 \text{ сўм.}$
2. Бензин $C_2 = 0,59 \cdot 2780000 = 1640200 \text{ сўм.}$
3. Мотор мойи $C_2 = 0,28 \cdot 1700000 = 476000 \text{ сўм.}$
4. Трансмиссион мой $C_2 = 0,7 \cdot 1700000 = 1190000 \text{ сўм.}$
5. Пластик мой $C_2 = 0,2 \cdot 1700000 = 340000 \text{ сўм.}$

$$\text{Жаъми: } \sum C_2 = 22353000 \text{ сўм}$$

Йўқотишларни олдини олишдан олинган иқтисодий самарадорликни аниқлаймиз.

$$C = C_1 - C_2 = 47573500 \text{ сўм.}$$


7. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМИ

ҲАВО ТОЗАЛАГИЧ ИФЛОСЛАНГАНЛИК СИГНАЛИЗАТОРИ

Дизел двигателларининг цилиндр поршен гуругига кирувчи деталларни ейилишига ҳавотозалагичларни ўз вақтида ва сифатли хизмат кўсатишларига боғлиқ. Ҳавотозалагичларга техник хизмат кўрсатиш жараёнлариги қуйидагилар киради; филтрални ювиш ва тозалаш, филтр элементларни ифлосланишини назорат қилиш, ҳавотозалагичларни ва киритиш трубаўтказгичларини герметикларини назорат қилиш.

Трактор дизеллари цилиндрларига тушаётган ҳаво таркибидаги абразив зарралардан тозалаш учун кўп поғонали ҳаво тозалаш тизими қўлланилган. К-701М, К-701, К-700А, Т-150К, ДТ-175С, ДТ-75Н дизел тракторларида ҳаво мультициклон ёки эжектор сўргичли тозалагичлардан фойдаланилади.

Бундай филтрларни ифлосланганлигини назорат қилиш учун сигнализатор билан жихозланган. 1 кнопкани босилганда 6 клапан очилади ва Б юзани дизелни сўрувчи трубаўтказгичларини ички юзаси билан улайди. Ҳаво тозалагич филтр элементларни ифлосланганлиги сабабли Б юзада ҳавони сийракланиши ортиб кетади. Атмосфера босими таъсирида А юзадаги 3 поршень корпусни шаффоф қисми 5га силжийди. Ойнани қизил поршень билан тўла ёпилиши ҳавотозалагичга хизмат кўрсатиш зарурлигини билдиради.



ПРУЖИНА ҲИСОБИ

Пружиналарни ҳисоблаш учун қуйидаги катталиклар қабул қилинади. Комбинациялашган клапанларни ишлаш усуллари ҳисобга олган ҳолда, уларга таъсир этаётган босим $0,015 \dots 0,025$

МПа ёки куч $P_1=2\text{кг}$, $P_2=3\text{кг}$. Бу ҳолда таъсир этувчи кучни ҳисобга олиб, максимал таъсир этувчи кучланишни ҳисоблаймиз.

Клапан сиқилишидаги пружинани зарарли инерция кучларини ҳисоблаймиз

$$\sigma = 1 - \frac{P_2}{P_3} \quad \text{справочникдан}$$

[Ашуров В.И. – Справочник конструктора P_2 ст. 353 табл. и] қабул қиламиз.

$$P_3 = \frac{P_2}{1 - \delta} = \frac{3}{1 - 0,5} \div \frac{3}{1 - 0,25} = 3,15 \div 4 \text{ кг}$$

5-таблицадан пружинани 1 класса 2 разряда № 283 деб қабул қиламиз.

Бу ерда: $P_3 - 4,0 \text{ кг}$, $d=1,4 \text{ мм}$, $D=30 \text{ мм}$. $\tau_1=1,92 \text{ кг/мм}$, $S_3 = 2,083 \text{ мм}$, G_6 бу ерда: $G_6 = 210 \text{ кг/мм}^2$ чегаравий кучланиш, у ҳолда $\tau_3=0,3 \cdot 210=63 \text{ кг/мм}^2$ по $\frac{\nu}{\nu_{кр}} \leq 1$ ҳолатини текшираамиз.

Бу ерда бирламчи тезлик

$$\nu_o = 1,5 \text{ м/с}$$

$$\nu_{кр} = \frac{\tau \cdot \delta}{3,58} = \frac{63 \cdot 0,25}{3,58} = 4,4 \text{ м/с}$$

$$\frac{\nu_o}{\nu_{кр}} = \frac{1,5}{4,4} = 0,34 < 1$$

демак пружина танланган гуруҳга тўғри келади.

8. Лойихани техник-иқтисодий ҳисоби

8.1. Лойихани техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун нефть маҳсулотларини йўқотишини ҳисоблаймиз.

8.1.1. Қўл меҳнати ёрдамида машиналарни нефть маҳсулотлари билан тахминлашда йўқотишлар (исрофлар) 2...3%, механизация воситалари ёрдамида 0,5...0,12% ташкил этади.

$$Q_{\text{й}} = \frac{Q_{\text{ум}} \cdot \delta_{\text{и}}}{100}, \text{ кг} \quad (1)$$

бу ерда: $Q_{\text{й}}$ – нефть маҳсулотларини йил давомидаги йўқотишлари;

$Q_{\text{ум}}$ – умумий ёнилғи миқдори;

$\delta_{\text{и}}$ – йўқотишлар миқдори, %;

$$Q_{\text{ум}} = Q_{\text{ум.диз}} + Q_{\text{ум.бен}} = 874 + 37 = 911 \text{ т.}$$

$$Q_{\text{й}} = \frac{911 \cdot 2}{100} = 18,22 \text{ т}$$

8.1.2. Нефть маҳсулотларини ташишдаги исрофи. Бу исрофлар 3 % ни ташкил этади ва юқорида келтирилган (1) формула ёрдамида топилади.

$$Q_{\text{ит}} = \frac{Q_{\text{ум}} \cdot \delta_{\text{и}}}{100} = \frac{911 \cdot 3}{100} = 27,33 \text{ т},$$

8.1.3. Нефть маҳсулотларини сақлашдаги йўқотишлари 3...5% ни ташкил этади.

$$Q_{\text{исак}} = \frac{Q_{\text{ум}} \cdot \delta_{\text{и}}}{100} = \frac{911 \cdot 4}{100} = 36,44 \text{ т},$$

8.1.4. Мослашмаган ва жихозларсиз нефть маҳсулотларини тарқатишдаги йўқотишлар 1...5% ни ташкил этади.

$$Q_{\text{йж}} = \frac{Q_{\text{ум}} \cdot \delta_{\text{и}}}{100} = \frac{911 \cdot 3}{100} = 27,33 \text{ т},$$

8.1.5. Нефть махсулотларини буғланишдан йўқотишлари 1,2% ни ташкил этади.

$$Q_{\text{йй}} = \frac{Q_{\text{ум}} \cdot \delta_{\text{и}}}{100} = \frac{911 \cdot 1,2}{100} = 10,9 \text{ т},$$

Нефть махсулотларини умумий йўқотишларини аниқлаймиз.

$$Q_{\text{й.ум}} = Q_{\text{й}} + Q_{\text{й.т}} + Q_{\text{й.сак}} + Q_{\text{й.ж}} + Q_{\text{й.й}} = 120 \text{ т.}$$

Иқтисод қилинган нефть махсулотлари қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$C_{\text{и}} = C_{\text{йум}} G_{\text{ён}};$$

Бу ерда: $G_{\text{ён}}$ – ёнилғининг сотувдаги нархи (перейскурант бўйича)

$$G_{\text{ён}} = \frac{G_{\text{бен}} + G_{\text{дѐ}}}{2} = \frac{2780 + 3570}{2} = 3175 \text{ сум}$$

$$C_{\text{и}} = 120 \cdot 3175000 = 381000000 \text{ сўм.}$$

8.2. Нефть омбори ходимлари иш хақи ҳисоби.

Ходимлар учун керакли маълумотлар

№	Ишчилар мансаби	Ишчилар сони	Маош сўм	Ижтимоий суғурта		Ижтимоий таъминот		Жаъми
				%		%		
1	Мудир	1	380000	37	140600	4,5	17100	537700
2	Заправщик	1	180000	37	66600	4,5	8100	254700
3	Қоровул	3	360000	37	133200	4,2	16200	509400
	Жаъми		920000		340400		41400	1301800

Жами йиллик иш хақини хисоблаймиз.

$$S_{ac} = S_{ac}^1 \cdot N_{ii} = 1301800 \cdot 12 = 15621600 \text{ сум}$$

бу ерда: $N_{ii} = 12$ – йилдаги ойлар сони.

8.2.1. Асосий фондлар қийматини аниқлаймиз.

Нефть омборини қиймати.

$$C_{a.ф.} = C_{б} + C_{ж}, \text{ сўм.}$$

Бу ерда: $C_{б}$ – биноларни қиймати;

$$C_{б} = v \cdot C^1$$

$$C^1 = 2000000 \text{ сўм} - 1 \text{ м}^2 \text{ бинонинг қиймати;}$$

$$C_{б} = 150 \cdot 2000000 = 300 \text{ млн. сўм}$$

$$C_{ж} \approx 150 \text{ млн. сўм. (қабул қилинди)}$$

$$C_{a.ф.} = C_{б} + C_{ж} = 300 + 150 = 450 \text{ млн. сўм}$$

Амортизация ажратмаларини аниқлаймиз.

$$A_{б} = C_{б} \cdot K_2, \quad K_2 = 0,025\%$$

$$A_{б} = C_{б} \cdot K_2 = 300 \cdot 0,025 = 7,5 \text{ млн. сўм}$$

Жихозлар учун амортизация ажратмалари

$$A_{ж} = C_{ж} \cdot K_3 \quad K_3 = 14\%$$

$$A_{ж} = C_{ж} \cdot K_3 = 150 \cdot 0,14 = 21 \text{ млн. сўм.}$$

Жаъми амортизация ажратмалари

$$A_{ум} = A_{б} + A_{ж} = 7,5 + 21 = 28,5 \text{ млн. сўм}$$

$$K = C_{aф} + A_{ум} = 450 + 28,5 = 478,5 \text{ млн. сўм.}$$

Электрэнергия харажатларини хисоблаймиз.

Электроэнергияни йиллик харажатларини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$C_{\text{йээх.}} = P_{\text{эл}} \cdot C_{\text{эл}}, \text{ сўм.}$$

Бу ерда $P_{\text{эл}} = P_1 + P_2 + P_3$ – йиллик электроэнергия сарфи;

$C_{\text{эл}}$ – 1- *KBT* электроэнергия нархи.

P_1 – ёнилғи қуйиш колонкаларини йиллик электроэнергия сарфи;

P_2 – электронасоснинг йиллик электроэнергия сарфи;

P_3 – ёритиш учун сарф этилган электроэнергия сарфи.

$$P_1 = n \cdot N_{\text{э}} \cdot t_{\text{к}} \cdot D_{\text{р}}, \text{ кВт.}$$

$$P_2 = N_{\text{н}} \cdot t_{\text{н}} \cdot D_{\text{р}}, \text{ кВт.}$$

$$P_3 = n_{\text{л}} \cdot N_{\text{л}} \cdot t_{\text{л}} \cdot D_{\text{р}}, \text{ кВт.}$$

бу ерда: n – ёнилғи колонкалар сони;

$N_{\text{э}}$ – ёнилғи колонкалари электродвигателини қуввати;

$D_{\text{р}}$ – ишчи кунлар сони;

$t_{\text{к}}$ – ёнилғи колонкаларини ишлаш вақти, *соат*;

$N_{\text{н}}$ – электронасосларни қуввати, *кВт*;

$t_{\text{н}}$ – насоснинг ишлаш вақти, *соат*;

$N_{\text{л}}$ – лампочкалар қуввати, *кВт*;

$n_{\text{л}}$ – лампочкалар сони;

$t_{\text{л}}$ – лампочкаларни ёритиш вақти, *соат*.

$$P_1 = n \cdot N_{\text{э}} \cdot t_{\text{к}} \cdot D_{\text{р}} = 3 \cdot 1,5 \cdot 3 \cdot 312 = 4212 \text{ кВт.}$$

$$P_2 = N_{\text{н}} \cdot t_{\text{н}} \cdot D_{\text{р}} = 4 \cdot 4,5 \cdot 312 = 5616 \text{ кВт.}$$

$$P_3 = n_{\text{л}} \cdot N_{\text{л}} \cdot t_{\text{л}} \cdot D_{\text{р}} = 7 \cdot 0,15 \cdot 4 \cdot 360 = 1512 \text{ кВт.}$$

$$C_{\text{йээх.}} = (4212 + 5616 + 1512) \cdot 104 = 1179360 \text{ сўм.}$$

$$1 \text{ кВт электроэнергия нархи } C_{\text{эл}} = 104,00 \text{ кВт/сўм}$$

5. Йиллик ишлаш эксплуатацион харажатларни аниқлаймиз.

$$C_{\text{йил.}} = S_{\text{ас}} + A + C_{\text{йэлэ}} = 15,6 + 28,5 + 1,2 = 45,3 \text{ млн. сўм}$$

6. Лойиха бўйича 1 т. нефть махсулотини ишлатиш харажати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$C_{\text{л}} = \frac{C_{\text{йил.}}}{Q_{\text{й}}} = \frac{45,3}{911} = 49725 \text{ сум.}$$

Хўжаликда бу кўрсаткич –55600 сўмга тенг.

Ишлаш сарфини камайтириш йиллик иқтисоди қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\mathcal{E}_{\text{й}} = (C_{\text{х}} - C_{\text{л}}) \cdot Q_{\text{й}} = (55600 - 49725) \cdot 911 = 5,4 \text{ млн.сўм}$$

7. Умумий иқтисод кўрсаткичи.

$$\mathcal{E}_{\text{й.ум}} = \mathcal{E}_{\text{й}} + C_{\text{и}} = 5,4 + 381 = 386,4 \text{ млн. сўм}$$

8. Лойихани қоплаш муддати.

$$L = \frac{K}{\mathcal{E}_{\text{й.ум}}} = \frac{478,5}{386,4} = 1,24 \text{ йил}$$

$$K = 478,5 \text{ млн. сум. лойихани қиймати.}$$

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ ТЕХНИК – ИҚТИСОДИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

8.1 - жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар		Четланиш
			хўжаликда	лойихада	
1.	Нефть омбори қиймати	Млн. сўм	-	478,5	+478,5
2.	Ёнилғиларни ММТП даги йиллик сарфи	Тонна.	911	911	-
3.	1 т. ёнилғи маҳсулотини ишлатиш сарфи	Сўм/т	55600	49725	-5875
4.	Ишлаб чиқариш сарфини камайтиришдан олинган иқтисод	Млн. сўм	-	5,4	+5,4
5.	Йўқотишларни олдини олишдан олинган иқтисодий самарадорликни аниқлаймиз.	Млн.сўм	-	47,5	+47,5
6.	Йиллик ишлаб чиқариш эксплуатацион харажатлари	Млн. сўм	-	45,3	+45,3
7.	Ёнилғи маҳсулотларини исрофгарчилигини олдини олишдан олинган фойда	Млн.сўм	-	381	+381
8.	Умумий иқтисод	Млн.сўм	-	386,4	386,4
9.	Қоплаш муддати	Йил	-	1,24	-

9. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон республикасида меҳнат муҳофазаси – бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнида хавфсизлиги, саломатчилиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8-декабр), Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари Кодекси (1995 йил 21-декабр), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун» (1993 йил 6-май), Давлат стандарти, низом ва меъёрлар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ ўз аксини топган. Ушбу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий қоидалар (1 бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилинишини таъминлаш (2 бўлим 8 та моддадан иборат); ишловчилар меҳнатини муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар (3-бўлим 6 та моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-бўлим 3 та моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик (5-бўлим 5 та моддадан иборат) масалалари аниқ ёритилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш уч қисмдан таркиб топган:

- ҳуқуқий асослар , яъни меҳнат ҳақидаги қонунлар (меҳнат қонунлари) асослари;
- хавфсизлик техникаси;

- ишлаб чиқариш санитарияси.

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ

Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси асослари Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартларининг «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва техник таъмирлаш» бўлимида акс эттирилган.

Хавфсизлик техникаси техника фанлари доирасига киради ва техника ҳамда ташкилий тадбирлар мажмуини ўз ичига олади: бу тадбирлардан мақсад бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш ва уларнинг сабабларини йўқотиш (шикастланишнинг олдини олиш) йўли билан хавфсиз меҳнат шароитини яратишдан иборат. Техник тадбирларга мисол тариқасида ишларни хавфсиз бажариш қоидаларини ишлаб чиқиш, машина ҳамда механизмларни меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган қилиб ўрнатиш каби ларни кўрсатиш мумкин. Ташкилий тадбирларга, ходимларга хавфсизлик техникаси қоидаларини ўргатишлар киради.

Ишлаб чиқариш санитарияси тиббиёт фанининг меҳнат гигиенаси ҳақидаги қисми бўлиб, касб касалликларини ўрганиш ва уларнинг олдини олишга бағишланган. Ишлаб чиқаришдаги турли хил зарарли омилларнинг ишлаётган ходим организмга узоқ вақт таъсир қилиши натижасида пайдо бўлган касалликлар касб касалликлари дейилади. Бундай омиллар қаторига зарарли моддалар (газлар) қўшилмалари, жоиздан қаттиқ шовқин киради.

Корхона меҳнат муҳофазасига доир тадбирларга ҳар йили катта маблағлар ажратилади, меҳнат шароитини режалари ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқаришдаги меҳнат муҳофазасининг аҳволи устидан давлат назорати ўрнатилади.

ДВИГАТЕЛДАН ЧИҚАЁТГАН ЗАРАРЛИ ГАЗЛАРДАН АТРОФ-МУҲИТНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Атроф-муҳитни двигателлардан чиқаётган зарали газлар таъсиридан ҳимоя қилиш асосан икки хил йўналишда иш олиб боради.

1. Двигателларни конструкциясини такомиллаштириш;
2. Эксплуатациядаги автотрактор двигателларини зарарли газлар миқдорини ишлаб чиқаришини камайтириш.

Двигателларни конструкциясини такомиллаштириш, двигател иш ражимларини такомиллаштири, ҳар хил ёрдамчи жиҳозлардан ва юқори сифатли ёнилғи ва мойлаш материалларидан фойдаланиш, техник хизмат ва таъмирлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, кам зарарли, газатурбинали, ташқи ёнувчи Стирлинг двигатели, электромобиллар, эжекторли двигателлар ишлаб чиқариш билан амалга оширилади.

Эксплуатациядаги автотрактор двигателларини зарарли газлар миқдорини ишлаб чиқаришини камайтириш, асосан двигателдан чиқаётган зарарли моддаларнинг миқдорини қонун ҳужжатлари билан чегаралаш ва бу меъёрларга амал қилишни назорат қилишдан иборат.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига асосан, АҚШда ҳар йили 142 млн.т. зарарли моддалар атмосферага чиқарилиб, бунинг 86 млн. тоннаси автотракторларни ишлашидан ҳосил бўлади.

1971 йил 1 январдан жорий этилган ГОСТ 16533-70 бензинли двигателларни ишлаши натижасида ажралиб чиқадиган чиқинди газларнинг таркибидаги Сонинг хажмини чегаралайди. ГОСТ21393-75 эса дизел двигателларидан чиқадиган газларнинг туташини чеклайди, 1980 йил ГОСТ16553-70 ўрнига янги давлат стандарти 17.2.2.03-77 жорий қилинди. Бу ҳам бензинли двигателларнинг

чиқинди газлардаги Сони хажмини чеклайди. Бу стандарт бензинда ишлайдиган юк ташувчи автомобилларга, енгил автомобиларга ва автобусларга таалуклидир.

Янги ГОСТ га асосан СО нинг хажми 1,5%дан ошмаслиги керак ва чиқинди газларнинг таркибидаги Сони текшириш, аҳолиси 300 мингдан ошиқ ҳамда пойтахт шаҳарларда, курортларда 2-ТХК ўтказилганда, автомобилни таъмирлашдан кейин, техник қаров ўтказилаётганда автотранспорт корхоналарининг мутахассислари ва ДАН ходимлар томонидан амалга оширилади.

Чиқинди газларни зарарлилигини текширилаётганда двигателни низомга мувофиқ қиздирилиши керак. Кейин эса намуна олувчи трубкани двигателнинг салт юришида, автомобил овоз сўндиргичи ичига 300 мм.га киргазиб маҳкамлаш лозим.

Ўлчовчи асбоб кўрсаттиши 0 дан 5% гача ёки 0 дан 10 % гача бўлиши, хатолик эса $\pm 5\%$ дан ошмаслиги керак. Ўлчовчи асбоблар маълум вақтлардан кейин давлат назоратидан ўтиши ва шу ҳақидаги белгига эга бўлиши керак. Ҳисоб китобларга кўра агар ГОСТ17.2.2.03-77 га амал қилинса чиқинди газлар таркибидаги СО 20% га камайиши мумкин, бу ўз навбатида бензин сарфини камайтиради. Ҳамма АТКларда чиқинди газлар таркибини аниқловчи постлар бўлиши керак.

10. ФУҚАРОЛАР МУДОФАСИ

Ишлаб чиқаришда, одамларнинг кундалик ҳаёт фаолиятида, транспорт воситаларида содир бўладиган авариялар ва ҳалокатлар, табиатда келиб чиқадиган турли табиий офатлар ва бахтсизликлар, сиёсий соҳаларда давлатлар ўртасида бўладиган келишмовчиликлар сингари ходиса ва воқеалар фавқулотда вазиятларни (ФВ) ташкил этади. Бу воқеа ва ходисаларнинг ФВ шароитида содир бўлиш жараёнлари, уларнинг нормал шароитда содир бўлиш жараёнларидан бир неча марта юқори бўлиб, ишлаб чиқаришнинг нормал кечишига салбий таъсир кўрсатади, одамларнинг ҳаёт фаолиятига ҳавф туғдиради, табиий, бино ва иншоотлар ҳамда моддий бойликларга зарар етказади.

ФВ лар содир бўлиши натижасида уларнинг қолдирган асоратлари салбий оқибатлар деб юритилади.

ФВ техноген, табиий ва экологик турларга бўлинади. Кимёвий, портлаш ва ёнғинга ҳавфли объектлардаги авариялар ва ҳалокатлар техногенга мансубдур. Фарғна водийси, айниқса Фарғона вилояти анна шундай ҳавфлар исканжасидир. Чунки ана шундай ҳавфлар ишлаб чиқаришларда бўлиши мумкин, яъни Нефтни қайта ишлаш заводи, «Фарғонаазот» МЧЖ ва Фарғна гидролиз заводи, Қўқон суперфосфат заводлари айнан бизнинг вилоятда жойлашган. Бунга қўшимча ерости ва сув ости нефт ва газ қувурлари ҳудудимизни ўргамчак уясидек ўраб олган.

ФВ – маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитни бузилишига олиб келадиган ҳолатлардир.

ФВ ҳавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ – ер силкиниши, портлаш, транспорт воситаларидаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ – ёнғинлар, зарарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ- сув тошқинлари, вуоқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) Равон ФВ- секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши.

ФВ яна тарқалиш миқёсига кўра тўрт гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал) ФВ.

ФВ тавсифига кўра:

1 Табiiй тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 экологик тусдаги ФВларга бўлинади.

Табiiй тусдаги ФВ 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

1 геологик хавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари;

2 Гидрометрологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар, жала ва бошқа хавфли гидрометрологик ҳодисалар;

3 Фавқулотда эпидемелогик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма), юқумли касалликлар, риккетсиялар – эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар – Сибир яраси, қутулиш, вирусли инфекциялар – СПИД.

11. ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Ўтган асрнинг 70-йилларида ривожланишнинг жадал суръатларда ошиши фавқулотда экологик муаммога айланди. Экологик ҳолатнинг бузилиши жаҳон халқларини ташвишга солди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари ҳулосаларига кўра, моддий наъматларни ишлаб чиқаришни ортиши, иқтисодий фаолиятнинг кучайиши, табиатга «антропогенно-техногенно-техногенно-техногенно»ни ошириб юборди. Фан-техника ютуқларини табиат қонунларига зид равишда ишлаб чиқаришга жорий қилиш туфайли экологик мувозанатлардаги боғланишларда зиддиятлар кескинлашиб кетди. Экологик мувозанат қонунларига амал қилмас ердан пала-партиш фойдаланиш оқибатида кейинги 100 йил ичидаги дунёдаги 27% ерлар яроқсиз ҳолга келди суғориладиган экин майдонларини кўпайтириш сиёсати сон кетидан қувиш пахтачилик борасидаги янгидан-янги рекордларга интилиш Марказий Осиё давлатларида экологик вазиятни мураккаблаштирди. Катта ҳажмдаги ерлар шўрланди ва сув тагида қолди. Натижада, Орол денгизи фожеаси рўй берди. Бундан ташқари, алмашлаб экиш қодаларига риоя қилмаслик, ерга кўплаб ўғит захарли химикатлар солиш туфайли табиий-санитария ҳолат мураккаблашди. Ичимлик сувининг сифати ёмонлашди. Буларнинг барчаси инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Экологик вазият оғир бўлган ҳудудларда касалликлар кўпаймоқда. Ўзбекистонда аҳолии соғлигини атроф-муҳитга боғлиқлигига доир социологик тақиқотларга қараганда ичимлик суви билан ичак, ошқозон ва мавсумий юқумли касалликларни кўпайиши 5 ёшгача бўлган болаларда кузатилганда 55% ни ташкил этаяпти. Сўровларнинг 60% ўз соғлигини қониқарсиз эканлиги ҳақида, қолган 20% ёмон деб жавоб беришмоқда. Бунга биринчидан инсон омили, техника тараққиёти натижаси, иккинчидан эса одамларда экологик маданият

ва таълим-тарбиянинг паст даражада эканлиги сабабчидир. Экологик таълим-тарбия масаласи мустақиллигимиз шарофати билн кун тартибининг асосий масаласига айланди. Чунки инсон ўзи яшаб турган аввалги шарт-шароитига ўхшамаган сифат жиҳатдан янгича муаммоларга дуч кела бошлаган эди. Экологик билимларсиз одамлар ҳозирги кун ива келажаги учун экологик таълим-тарбияни, дунёқарашни шакллантириш асосий масаладир. Экологик таълим-тарбиянинг асосийлари қуйидагилардан иборат.

1. Табият ва жамиятни ривожланиш қонунлари улар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва замонавий фикрлай оладиган баркамол шахсни шакллантириш.

2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг йўналишларида турли табиий экологик ҳолатни биладиган ва келажакни экологик режасини туза оладиган инсонларни тарбиялаш.

3. Жамият ва жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар яшаб турган табиатва уларни бойликларини сақлашга хизмат қиладиган онги ва тафаккури юксак ёшларни камол топтириш.

4. Жамият аъзоларини ўзларининг ижтимоий маънавий ва яшаш турмуш тарзида уларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун ахамиятли бўлган экологик маданиятга риоя этиш керак.

Экологик таълим-тарбия ишлари аҳолининг барча ёшларида табиатга ва атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш руҳини талаб этишдан иборатдир. Хуллас, экологик таълим-тарбиянинг ҳозирги даврга мос янгича назарий тизимни яратиш ва такомиллаштириш замон талабига айланди. Шу назария асосида инсонларда янгича онг ва маданиятни шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб таълим-тарбиядаги ижтимоий омилидир.

ХУЛОСА

Андижон вилояти, Андижон тумани, «Охунбобоев» муқобил машина трактор паркини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни ташкил этиш. Муқобил машина трактор паркини ёнилғи мойлаш материаллар билан таъминлашни ташкил этиш мавзусидаги Битирув малакавий ишси бажарилди.

Муқобил машина-трактор паркида машиналарни тўғри танлаш, улардан самарали фойдаланиш ва юқори даражада тайёргарлигини таъминлаш масаласи ҳал этилди. Битирув малакавий ишмда бу кўрсаткичлар машина-трактор агрегатларини иш унумдорлигини ошириш, техник бузуқликларини камайтириш ва муқобил машина-трактор паркини ёнилғи-мойлаш махсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш масалаларини ёритишдан иборат бўлди.

Натижада муқобил машина трактор паркида қуйидагиларга эришилди:

1. Муқобил машина-трактор паркига қарашли нефть хўжалиги фаолияти чуқур ўрганилди;
2. Муқобил машина-трактор паркида ёнилғи ва мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжлар ҳисоби илмий асосда асосланиб ҳисоб китоб қилинди;
3. Муқобил машина трактор парки учун янги нефть омбори , сиғимлари ва бошқа талаб этилган эҳтиёжлар қабул қилинди;
4. Сиғими 150 м³ бўлган нефть омбори танлаб олинди;
5. Муқобил машина трактор парки эҳтиёжларини яхшилаш мақсадида янги конструкция танланди ва унинг ҳисоблари бажарилди.
6. Битирув малакавий иш техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлди.
7. Ишни ҳаётга тадбиқ этилса ўзининг ижобий томонларини кўрсатади деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент 2009й.
- 2.И.А.Каримов ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.; «ўзбекистон»,1999й.
- 3.Ю.И.Наумов Машина трактор паркидан фойдаланиш Тошкент «Мехнат» 1985 йил.
- 4.Э. Ойхўжаев,Х. Қўшназаров -Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни механизациялаш. «Мехнат» 1988 й
- 5.М.И.Ландсман, Ю.И. Наумов «Пахтачиликда механизациялаштирилган ишларнинг ташкил этилиши ва технологияси. Тошкент «Укитувчи», 1981 йил.
- 6.Ф.Н. Пуховицкий ва бошқ. «Машина трактор паркига техник хизмат курсатиш воситалари. Тошкент «Укитувчи», 1982 йил
7. Г.П.Лышко. Топливо и смазочные материалы. М., «Агропромиздат», 1985.
8. Д.С.Колосюк., А.В.Кузнецов. «Автотракторные топлива и смазочные материалы». М., «Вища школа» 1987.
9. Н.И.Итинская., Н.А.Кузнецов. Справочник по топливу, маслам и техническим жидкостям. М., «Колос» 1982.
10. Қ.А.Шарипов. «Ёнилғи-мойлаш материаллари». «Мехнат» Тошкент-2001.
11. В.В.Никифоров, В.А.Борзенков. Нефтепродукты для сельскохозяйственной техники. М., «Химия», 1988.
12. Қ.А.Шарипов, А.Х.Мажидов, А.И.Ҳошимова. Замонавий техникалар учун ёнилғи-мойлаш материаллари. ТИКХМИИ, Т., 2000, 36с.
13. Ж.Р.Қулмухамедов. Э.Каримов, ва бошқалар. Автомобиллардан фойдаланиш ва автотранспортда меҳнат муҳофазаси. Тошкент «Фан» 2003.
- 14.Н.И.Акимов, В.Г.Ильин «Қишлоқ хўжаоик ишлаб чиқапиш объектларида граждан мудофаси»,«Мехнат» Тошкент-1988.

ИЛОВА